



PROBLEMS AND SOLUTIONS IN THE LEGAL INTERPRETATION OF THE CONCEPT OF CORRUPTION

Nurmukhammedova Guzalkhon Bakhodirovna

Associate Professor of the Department of Criminal Law Sciences,
University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan; Doctor of
Philosophy in Law (PhD), Associate Professor
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17733729>

ARTICLE INFO

Received: 20th November 2025

Accepted: 26th November 2025

Online: 27th November 2025

KEYWORDS

Corruption, concept of corruption, legal definition, public official, official authority, personal interest, bribery, conflict of interest, lobbying, protectionism, nepotism, trading in influence, digital corruption, cyber corruption, corruption-related crime, elements of crime, perpetrator, indicators of corruption, public administration, anti-corruption policy.

ABSTRACT

The article addresses the theoretical and legal problems of interpreting the concept of corruption and substantiates the need to elaborate a scientifically grounded, universal definition that adequately reflects its criminal-law and criminological essence. The research is based on the analysis of legal encyclopaedias, terminological dictionaries and doctrinal sources, including the works. A comparative examination of their approaches makes it possible to identify a system of core features of corruption. Special attention is paid to modern forms of corruption, such as digital corruption and cyber-corruption, lobbying, protectionism, nepotism and trading in influence, which do not always constitute criminal offences per se but create a persistent environment of conflict of interest and informal pressure on decision-making.

ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ В ПРАВОВОЙ ИНТЕРПРЕТАЦИИ ПОНЯТИЯ КОРРУПЦИИ

Нурмухаммедова Гузалхон Баходировна

Доцент кафедры уголовно-правовых наук Университета общественной безопасности Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17733729>

ARTICLE INFO

Received: 20th November 2025

Accepted: 26th November 2025

Online: 27th November 2025

KEYWORDS

Коррупция, понятие коррупции, юридическое определение, должностное лицо, служебные полномочия, личная заинтересованность, взяточничество, конфликт

ABSTRACT

В статье рассматриваются теоретико-правовые проблемы интерпретации понятия «коррупция» и обосновывается необходимость выработки универсального, научно выверенного определения, адекватно отражающего её уголовно-правовую и криминологическую сущность. В работе проведён сравнительный анализ доктринальных подходов к определению коррупции, представленных в юридических



интересов, лоббизм,
протекционизм, непотизм,
торговля влиянием,
цифровая коррупция,
киберкоррупция,
коррупционное
преступление, состав
преступления, субъект
преступления, признаки
коррупции, государственное
управление,
противодействие коррупции.

энциклопедиях, словарях и трудах таких учёных.
Устанавливается система основных признаков
коррупции. Подчёркивается, что
отождествление коррупции со всем массивом
должностных преступлений методологически
необоснованно и приводит к размыванию её
правовой природы.
Отдельное внимание уделено современным
формам коррупции — цифровой
(киберкоррупции), лоббизму, протекционизму,
непотизму, торговле влиянием, — которые не
всегда непосредственно охватываются
составами уголовных преступлений, но
формируют устойчивую коррупционную среду и
высокий уровень конфликта интересов.

КОРРУПЦИЯ ТУШУНЧАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жиноий-ҳуқуқий
фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17733729>

ARTICLE INFO

Received: 20th November 2025
Accepted: 26th November 2025
Online: 27th November 2025

KEYWORDS

Коррупция, коррупция
тушунчаси, ҳуқуқий таъриф,
мансабдор шахс, мансаб
ваколати, шахсий манфаат,
порахўрлик, манфаат
тўқнашуви, лоббизм,
протекционизм, непотизм,
таъсир савдоси, рақамли
коррупция, киберкоррупция,
коррупцион жиноят, жиноят
таркиби, жиноят субъекти,
коррупциянинг белгилар,
давлат бошқаруви,
коррупцияга қарши кураш.

ABSTRACT

Мақолада коррупция тушунчасининг ҳуқуқий
интерпретациясига доир назарий-амалий
муаммолар комплекс тарзда таҳлил этилиб,
мазкур феноменнинг жиноий-ҳуқуқий ва
криминологик моҳиятини аниқ ифодаладиган
универсал таърифни ишлаб чиқишга уриниш
амалга оширилади. Тадқиқотда «коррупция»
атамасининг рим ҳуқуқи манбаларидаги
қўлланилиши, юридик энциклопедиялар ва
қомусий луғатлардаги таърифлар, шунингдек,
қатор ҳуқуқшунос олимларнинг назарий
ёндашувлари қиёсий таҳлил қилинади. Ушбу
таърифларнинг қиёси натижасида
коррупциянинг асосий белгилар тизими изчил
асослаб берилади. Мақолада коррупциянинг
замонавий кўринишлари – рақамли коррупция ва
киберкоррупция, лоббизм, протекционизм,
непотизм, таъсир савдоси каби шакллар ҳам
қамраб олинади ҳамда уларнинг жиноят
таркиби чегараларига муносабати ёритилади.



Жаҳонда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг криминалогик жиҳатлари ва уларнинг профилактикасини такомиллаштириш, коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини янада оширишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада, аynиқса, аниқ индикаторларни ўзида акс эттирувчи коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишларини белгилаш, коррупцияга қарши курашиш субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт» кўламини қисқартириш, давлат органлари зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажаришда юзага келадиган коррупцияга оид хавф-хатарларни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш орқали коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини такомиллаштиришнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқий йўл билан эмас, балки комплекс ёндашув асосида — сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда ҳам олиб борилиши лозим. Зеро, ушбу иллатнинг ўзига хос хусусияти — унинг юқори даражада мутобиқлашувчан, тизимли ва латент характерида намоён бўлади. Шу сабабдан, коррупцияга қарши курашда илмий асосланган ҳуқуқий таърифлар, жиноят таркибининг аниқ чегаралари ва классификация мезонларини ишлаб чиқиш ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Transparency International Corruption Perceptions Index (CPI) 2016 йил эълон қилган маълумотда Ўзбекистон коррупциялашган давлатлар рўйхатида 185 та мамлакатдан 156-ўринни эгаллади, бироқ кейинги икки йилда мазкур рейтинг поғонасида пастлаб борди, яъни 2017 йилда Ўзбекистон 157-ўринда, 2018 йилда 158-ўринда эътироф этилди[1]. Муҳтарам Президентимизнинг фаол ташаббуслари туфайли мамлакатда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар натижасида 2024 йил хулосаларига кўра 180 та давлатни қамраган коррупция рейтингига Ўзбекистон 121-ўринни эгаллаган. Умумий 100 баллик баҳолашдан бор-йўғи 32 балл тўплаган. Жами 50 баллдан паст натижа давлатда коррупция юқори даражада эканини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 5 март кундаги Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги нутқида “Ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов — бу коррупциядир. Буни дунё тажрибаси ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Коррупция оқибатида жаҳон иқтисодиёти йилига 3 триллион доллар зарар кўраётгани бу глобал хавф эканидан далолат. Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказди, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади”[2], дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Қадимги ҳуқуқ тизимларидан ҳисобланган «Рим ҳуқуқи» манбаларига кўра, «corruptio» атамаси – умумий тарзда бузиш, емириш, зарар етказиш, сохталаштириш, сотиб олиш маъноларида ишлатилган. Мазкур тушунча қуйидаги икки лотинча сўзлардан пайдо бўлиб, «correi» – бирор муаммога нисбатан



мажбуриятга эга бўлган томонларнинг келишуви, «gumpire» – бузиш, зарар етказиш, парчалаш, ўзгартириш маъноларини» англатади[3].

Юридик энциклопедия муаллифларининг таъкидлашича, «коррупция – мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият»[4].

«Юридик атамалар қомусий луғати»да коррупция тушунчасига «давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши»[5], деб таъриф берилган. Яна бошқа энциклопедик манбаларда эътироф этилишича, коррупция атамаси «сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолият бўлиб, мансабдор шахслар ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланишидан иборат»[6], деб тавсифланган.

Луғатлар ва илмий манбаларда берилган таърифларни таҳлил қилиш коррупция феномени мазмунида бир қатор умумий, концептуал белгилар мавжудлигини кўрсатади. Биринчидан, коррупция фаолиятининг субъектлари сифатида мансабдор шахслар иштирок этади. Улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимидаги ваколатларидан келиб чиққан ҳолда, қонун билан белгиланган мажбуриятларини суистеъмол қилиш орқали шахсий ёки гуруҳ манфаатларига хизмат қилади. Бу ҳолат коррупциянинг ҳуқуқий табиатидаги асосий белгилардан бири бўлиб, давлат хизмати ва шахсий манфаат ўртасидаги зиддиятни ифодалайди.

Иккинчидан, ҳуқуқ ва хизмат ваколатларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланиш коррупциянинг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу ерда шахсий ёки тор гуруҳ манфаатлари давлат ва жамият манфаатларидан устун қўйилади, натижада ҳокимият институтининг моҳияти — жамиятга хизмат қилиш вазифаси — бузилади.

Учинчидан, коррупция доим моддий ёки номоддий наф олиш мақсадини ўз ичига олади. Яъни коррупцион муносабатлар натижасида шахс пул, мулк, қимматбаҳо ашёлар каби моддий бойликка ёки мансабга кўтарилиш, муайян имтиёз, хизматда афзаллик каби номоддий фойдага эришишни кўзлайди. Бу белги коррупциянинг иқтисодий ва психологиялық омиллар билан узвий боғлиқлигини англатади.

Тўртинчидан, қонунга хилофлик ва ноқонунийлик — ҳар қандай коррупцион хатти-ҳаракатнинг ҳуқуқий белгиси ҳисобланади. Чунки бундай қилмишлар амалдаги қонун нормалари, давлат хизматчилари учун белгиланган этик ва ҳуқуқий чекловларни бузган ҳолда содир этилади. Демак, коррупция ҳуқуқий жиҳатдан жиноят ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида намоён бўлади.

Бешинчидан, коррупция жараёнларининг яна бир муҳим хусусияти — махфийлик ва латентлик даражасининг юқорилигидир. Амалиётда коррупцион



келишувлар, одатда, икки ёки ундан ортиқ манфаатдор томонлар ўртасида яширин тарзда амалга оширилади, бу эса унинг фош этилиши ва ҳуқуқий баҳоланишини қийинлаштиради. Шу боис, коррупция жиноятларининг латентлиги жамиятдаги ишонч муҳитини заифлаштирувчи ва давлат институтларининг обрўсига путур етказувчи асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади.

Шундай қилиб, луғатлар ва илмий таърифлар таҳлили коррупциянинг тўлақонли белгилар тизимини аниқлаш имконини беради: у мансабдор шахслар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ҳуқуқ ва ваколатларни шахсий манфаат йўлида ноқонуний ишлатиш, моддий ёки номоддий наф кўриш, махфий келишувлар ва латент муносабатлар билан тавсифланади. Бу белгилар коррупциянинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини, унинг давлат бошқаруви тизимидаги хатарли ва системавий хусусиятини ёрқин намоён этади.

Юридик адабиётларда коррупция атамасига ҳуқуқшунос олимларнинг берган таърифлари ҳам турлича. Жумладан,

1. Коррупциянинг субъектларига оид қарашлар:

Н.А.Любкина “давлат функцияларини бажаришга масъул бўлган давлат хизматчилари, шунингдек, хусусий сектор раҳбарлари”[7]; О.А.Кузнецова[8] «коррупция деганда икки асосий жиҳатни ҳисобга олиш керак» деб ҳисоблайди, «яъни шахснинг мансабдор шахс бўлиши ҳамда ушбу мансабдор шахс мақомидан шахсий манфаат олишда ишлатиши лозим»[8]. А.И.Долгова эса, коррупция тушунчасига «давлат амалдорлари ёки ўзга хизматчилар пора эвазига оғдирилиши ва шу асосда улар ўз хизмат ваколатларидан шахсий ёки муайян гуруҳ манфаатларида фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодиса»[9], деб таъриф берган. Н.Ф.Кузнецова фикрича «коррупция – бу, давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг ходимларини пора эвазига оғдиришдан иборат бўлган ижтимоий хавfli ҳодиса»[10], Р.Р.Газимзяновнинг “давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг мансабдор шахсларининг ёки тижорат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларининг мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш”[11] каби бир қатор сифатида таърифлайди.

Келтирилган таърифларнинг барчасида субъект сифатида мансабдор шахснинг бўлиши талаб этилаётганлигини кўришимиз мумкин. Фикримизча, ушбу ёндашув тор маънода ишлатилса тўғрироқ бўлади. Амалиётда коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар субъекти сифатида нафақат мансабдор шахслар, балки хизматчилар ҳам иштирокчи сифатида жавобгарликка тортилмоқдалар (*бирок, биз бу фикрга қўшилмаймиз*).

Бизнингча коррупциянинг мансабдор шахс томонидан содир этилишига оид Б.Д.Ахраровнинг қарашлари ўринлидир, яъни олимнинг фикрича, “... мансабдорлик жиноятлари ва коррупция тушунчалари турлича аҳамият касб этади ва айрим фарқлари ҳам мавжуд. Коррупция бу мансабдор шахсларнинг давлат ҳокимияти ёки бошқаруви ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни кўзлаб содир этиладиган жиноятчилик тушунилади. Коррупция фақат мансабдор шахсларнинг ваколатларидан келиб чиқиб, бундай мансабдор шахсларнинг ҳам айнан айрим юқори тоифаларидангина келиб чиқиши билан тавсифланса ва бунда



порахўрлик суиистеъмолчилик ваколат доирасидан чиқиш каби жиноятларда ифодаланади. Коррупция мансабдорлик жиноятларининг мансабга совуққонлик билан қараш, мансабдор шахс томонидан содир этиладиган экологияга қарши жиноятларни ўзи ичига ололмайдиган»[12]. Мазкур фикрни И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова ва бошқалар[13] ҳам қўллаб-қувватлашган.

Масалан, Қ.Р.Абдурасулова: «Коррупция давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажараётган ва уларга тенглаштирилган шахслар томонидан ўз хизмат ваколатлари ёки улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиб, ғараз мақсадда ёки бошқа шахсий манфаатни кўзлаб содир этилган ижтимоий ҳавfli қилмишлар (бу қилмишлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида назарда тутилган) йиғиндиси»[14], дея таърифлаган.

Шунингдек, ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, «...айнан ҳокимият билан боғлиқлик белгиси коррупция тўғрисида сўз юритиш имконини берадиган асосий белги ҳисобланади»[15]. Бундан ташқари, коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг субъектлари сифатида мансабдор шахслар бўлиши оид фикрни Х.Х.Мелиев[16] С.М.Будатаров[17], С.В.Максимов[18] каби ҳуқуқшунослар таъкидлаб келишган.

2. Мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга оид қарашлар:

В.С.Комиссаров “ўз хизмат ваколатларидан шахсий манфаатларидан фойдаланиши»[19]; П.А.Кабанов “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан шахсий бойлик орттириш мақсадида ғаразли фойдаланишига асосланган ижтимоий ҳодиса»[20]; Г.Н.Борзенков “мансабдорлар томонидан хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланишга асосланган бошқарув аппаратининг таназзулга учраши»[21]; Г.К.Мишин “бошқарув субъектлари томонидан ўз ваколатларини шахсий (индивидуал ёки гуруҳий) мақсадларда суиистеъмол қилиш»; А.И.Долгова “давлат ёки бошқа хизматчиларнинг расмий ваколатлари, обрўси ва имкониятларидан шахсий ёки корпоратив манфаатлар йўлида ғаразли фойдаланиш»ига олиб келувчи ижтимоий ҳодиса»[22]; Б.В.Волженкиннинг қарашларига кўра, “мансаб мавқеидан фойдаланиб, мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳамда ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш»[23]. Х.Х.Мелиев “Коррупция ижтимоий ҳавfli ҳодиса бўлиб, шахснинг ўз мансаб мавқеи ва эгаллаб турган лавозими ҳамда у билан боғлиқ бўлган обрўсидан ғайриқонуний наф кўриш ёки ғараз мақсадларда фойдаланиши, шунингдек, бундай нафни жисмоний ёки юридик шахслар томонидан қонунга хилоф равишда тақдим этилишидан иборат кримнологик тушунчадир»[16]; Давлат аппарати, давлат хизматчилари ва нодавлат тузилмаларнинг ходимлари томонидан шахсий ёки тор доирадаги манфаатларни кўзлаб, расмий ваколатларини суиистеъмол қилиш (Н.Ф.Кузнецова, А.И.Долгова, А.К.Иркаходжаев, Б.Д.Ахраров, Waldemar Walczak[24]); Давлат бошқарув имкониятларидан шахсий ёки корпоратив манфаатларни кўзлаб фойдаланиш (Қ.Тожибоев); ҳокимият ва мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиш (Қ.Р.Абдурасулова, Б.Д.Ахраров); В.В.Астанин «ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, бошқарувнинг турли соҳаларидаги муносабатларнинг бузилиши



билан характерланади ва ўз хизмат ваколатлари ҳамда улар билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланган ҳолда шахсларнинг сотқинлиги ва порахўрлигида намоён бўлади»[25], дейди. Бу ёндашувни, Н.А.Лопашенко, С.В.Максимов Г.Н.Борзенков[21] каби тадқиқотчилар қўллаб-қувватлайди.

Кенгроқ ёндашув доирасида эса коррупция фақат порахўрлик шаклида, балки айбдор шахснинг хизмат мавқеидан фойдаланиши билан боғлиқ бўлган шахсий манфаатга йўналтирилган жиноятларнинг йиғиндиси сифатида кўриб чиқилади[26], дея ҳисоблаймиз. Бундан ташқари Н.П. Бухарина[27], В.Н.Бурлаков[28], О.В.Барабаш ва К.Б.Филиппов[29], Ю.В.Латов ва Ю.Г.Наумов[30], Т.А.Рубанцова[31], Г.Г.Агапова[32], Г.А.Коломин[33], О.А.Кузнецова, А.И.Долгова, А.К.Иркаходжаев, Л.В.Михайлов, Н.А.Любкина[34] лар ҳам айнан “мансаб ваколатларидан фойдаланиш” каби белгини зарурий шарт сифатида эътироф этишган.

3. Шахсий манфаат олишга оид қарашлар:

О.В.Барабаш ва К.Б.Филиппов “коррупция ўз ичига ҳам мулкӣ, ҳам мулкӣ бўлмаган манфаатларни олишни қамраб олади. Бунда нафақат шахсий фойда, балки учинчи шахслар манфаати учун ҳам моддий ёки номоддий наф олиш назарда тутилади. Бундай манфаатлар пул, қимматбаҳо ашёлар, хизматлар ёки бошқа мулкӣ ҳуқуқлар шаклида ифодаланиши мумкин”[29]; Т.Я.Хабриева “коррупцион ҳаракатларнинг асосий мотиви – шахсий манфаатдорликка эришиш бўлиб, бу моддий бойликлар, хизматлар ёки имтиёзлар кўринишида намоён бўлиши мумкин”[35]; Қ.Тожибоев эса, «Коррупция жиноятчилиги натижасида давлат бошқарувининг имкониятларидан фойдаланиш, уни ўз манфаатларига бўйсундирилган ҳолда ташкил этилиши асосида вужудга келади»[36], дея фикр билдиришган бўлса, А.К.Иркаходжаевнинг ёзишича, «Коррупция давлат ва бошқа хизматчиларнинг расмӣ хизмат ваколатларини, улар билан боғлиқ бўлган нуфуз ва имкониятларини шахсий ёки муайян гуруҳ, корпоратив манфаатлар йўлида, ғаразли мақсадларда фойдаланиши билан тавсифланувчи ижтимоӣ ҳодиса»[37].

Шунингдек, шахсий манфаатдорликнинг мавжудлиги тўғрисида Б.Д.Ахраров, Қ.Тожибоев, А.К.Иркаходжаев, Н.А.Любкина[38]лар, моддий ва номоддий манфаат олиш тўғрисидаги белгининг мавжудлиги тўғрисида Л.В.Михайлов, Қ.Тожибоев, Waldemar Walczak[24], Т.А.Рубанцова[31], Г.Г.Агапова[32]лар яқдил фикрдалар.

Юқоридаги умумӣ белгилардан фарқли ўлароқ, А.В.Кузнецов коррупциянинг ажралувчи белгиси сифатида “олдиндан келишилганлик” ни таклиф этади (*халқаро ҳужжатларда ҳам кўрсатилган*), унинг фикрича, агар мансабдор шахс ва манфаатдор шахс ўртасида муайян ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) учун олдиндан келишув мавжуд бўлса, бундай вазиятни коррупцион муносабат сифатида квалификация қилиш мумкин бўлади[39]. Шу муносабат билан, “миннатдорлик пораси” каби ҳолатларда айнан олдиндан келишувнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги коррупцион ҳаракатни бошқа турдаги хизмат совғаларидан ажратиб туришда ҳал қилувчи мезон бўлиб хизмат қилади. Демак, коррупцион муносабатнинг ҳуқуқӣ таърифи ва унинг жиноят таркибига киритилишида



шахслар ўртасидаги аввалги келишув мавжудлиги асосий юридик-баҳоловчи омил сифатида қонунчиликда алоҳида эътибор билан белгиланиши лозим.

Олимлар томонидан берилган турли таърифларни таҳлил қилиш натижасида коррупция феноменига хос бўлган асосий ҳуқуқий ва ижтимоий белгиларни тизимли равишда умумлаштириш мумкин. Ушбу белгилар унинг моҳиятини, ижтимоий хавф даражасини ҳамда ҳуқуқий табиатидаги асосий омилларни очиб беради.

Биринчи навбатда, субъект белгиси коррупциянинг муҳим компоненти ҳисобланади. У давлат ҳокимияти ёки бошқаруви функцияларини амалга оширувчи шахслар — мансабдор шахслар, давлат хизматчилари, шунингдек, давлат ваколатига эга бўлган ёки давлат вазифаларини бажаришга тенглаштирилган шахсларни ўз ичига олади. Бу шахслар ўз хизмат мавқеидан шахсий ёки гуруҳвий манфаатлар йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлганлиги учун коррупция жараёнларининг марказий субъекти сифатида намоён бўлади.

Иккинчидан, объект белгиси — коррупциянинг таъсирига дучор бўлувчи ижтимоий қадрият ва муносабатлар мажмуасидир. У, аввало, давлат ва жамият манфаатларини, қонуний тартиб ва бошқарув тизимининг нормал фаолиятини қамраб олади. Демак, коррупция фақат алоҳида шахсларга эмас, балки давлат бошқарувининг институционал асосларига ҳам таҳдид солади.

Учинчидан, қонунга зидлик (ноқонунийлик) белгиси коррупциянинг ҳуқуқий табиатида марказий ўрин тутади. Бундай фаолият амалдаги жиноят қонунчилиги билан қатъий тарзда тақиқланган бўлиб, коррупциявий қилмишлар жиноий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Шунинг учун коррупция ҳуқуқий нуқтаи назардан давлат хизматининг меъёрий-ҳуқуқий чегараларини бузиш сифатида тавсифланади.

Тўртинчидан, шахсий манфаатдорлик белгиси коррупциянинг иқтисодий ва ахлоқий моҳиятини белгилайди. Бу ҳолатда шахс ўз хизмат ваколатларини моддий (пул, мулк, қимматбаҳо ашёлар) ёки номоддий (имтиёз, лавозим, обрў) фойда кўриш мақсадида ноқонуний равишда ишлатади. Шахсий манфаат давлат хизматининг обектив вазифаларини издан чиқаради ва фуқароларда адолат ҳамда ишонч туйғусини заифлаштиради.

Бешинчидан, ижтимоий хавфлилик белгиси коррупциянинг жамият ва давлат учун оқибатларини ифодалайди. Коррупция давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини пасайтиради, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат принципларини бузади, фуқароларда давлат институтларига ишончсизлик туғдиради. Бу уни нафақат ҳуқуқбузарлик, балки давлат ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи ижтимоий иллат сифатида тавсифлашга асос бўлади.

Шундай қилиб, олимлар таърифларининг қиёсий таҳлили коррупциянинг ҳуқуқий, сиёсий ва ахлоқий жиҳатларини қамраб олган универсал белгилар тизимини шакллантириш имконини беради. Ушбу белгилар коррупцияни комплекс ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳолаш ва унинг олдини олиш



бўйича самарали давлат сиёсатини ишлаб чиқиш учун илмий асос вазифасини бажаради.

Юқоридагиларни инобатга олиб, биз коррупциянинг қуйидаги таърифини келтирмоқчимиз, яъни «коррупция – бу шахснинг ўзига берилган мансаб ёки хизмат ваколатларидан, хизмат мавқеидан ёхуд таъсир ўтказиш имкониятларидан шахсий ёки ўзга шахслар (гуруҳ, ташкилот, оила аъзолари) манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш ёки шундай нафни тақдим этиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек давлат бошқаруви, хўжалик ёки жамоат муносабатларида шахсий ёки гуруҳвий манфаатлар йўлида қарор қабул қилиш жараёнига ноқонуний таъсир кўрсатишнинг турли шакллари — хусусан, муайян иқтисодий ёки сиёсий қарорларни ўз фойдасига қабул қилдириш учун манфаатли гуруҳлар орқали босим ўтказиш (лоббизм), хизмат ёки мансаб масалаларида қариндошлик ёки шахсий яқинлик асосида устунлик бериш (непотизм), муайян шахс ёки гуруҳни бошқаларга нисбатан асоссиз қўллаб-қувватлаш ёки ҳимоя қилиш (протекционизм), шунингдек расмий мавқе ёки шахсий алоқалардан фойдаланиб қарор қабул қилувчи шахсларга таъсир кўрсатиш орқали ноқонуний имтиёз ёки наф олиш (таъсир савдоси) каби яширин механизмлар орқали амалга ошириладиган қонунга хилоф фаолиятдир».

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, коррупция ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида муайян давлат ёки жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда турлича шакл ва кўринишларда намоён бўлади. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши, глобализация ва давлат бошқарувининг рақамлашуви коррупциянинг янги шакллари юзага келтирмоқда, жумладан: рақамли коррупция-киберкоррупция (масалан, электрон тендерларни сохталаштириш, давлат ахборот тизимларидан шахсий мақсадларда фойдаланиш); лоббизм ва протекционизм, улар ҳуқуқий жиҳатдан доим ҳам жиноят таркибига эга эмас, аммо жамиятда коррупцион хавф туғдиради; сиёсий таъсир (ҳомийлик остига олиш) ва сиёсий элиталарнинг манфаатлар тўқнашуви, бу эса давлат бошқаруви шаффофлигига таҳдид солади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Corruption Perceptions Index 2018: Statistically significant changes. 2018_CPI_Statistically Significant Changes
2. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>
3. Чезаре.С.С. Курс римского права. Учебник.-М.: 2002..Издательство «БЕК».-С.28.
4. Юридик энциклопедия . – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 258.
5. Юридик атамалар қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 201.
6. Юридическая энциклопедия. 2-ое изд. перераб. – М.: Зерцало, 2003. – С. 45.
7. Любкина Н.А. О некоторых подходах к определению коррупции // Вестник государственного и муниципального управления. 2011. № 2. С. 32–38.
8. Кузнецова О.А. Коррупционная деятельность: криминологический и уголовно-правовой аспекты авто.дис. на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Тамбов 2007.-24стр.



9. Криминология / Под ред. А.И. Долговой. – М.: ИНФРА-М, 1997. – С. 68.
10. Криминология / Под ред. Н.Ф. Кузнецовой, Г.М. Миньковского. – М.: МГУ, 1994. – С. 58.
11. Газимзянов Р.Р. Коррупционная преступность в Республике Татарстан на рубеже веков (криминологическое исследование) автор.дис. на соис.уч.степ.канд.юрид.наук. Нижний Новгород – 2005. – С. 32.
12. Ахраров Б.Д. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш жинояти учун жиноий жавобгарлик. — Тошкент: Тошкент давлат юридик институти, 2005. — 128 с.
13. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 – 393 б.
14. Абдурасулова Қ., Қурбонов О. Коррупция: Асосий тушунча ва шакллари (рисола). – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 60.
15. Зуфаров Р., Ахраров Б., Мирзаев У. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 163.
16. Мелиев Х.Х. Коррупциявий жиноятчилик ва унга қарши курашишнинг криминологик чоралари: дис. ... PhD: 12.00.15 / Мелиев Худоёр Хуррамович; Тошкент давлат юридик университети. – Тошкент, 2024. – 151 с.
17. Будатаров С.М. Понятие коррупции в российском законодательстве и юридической литературе // Право. 2012. № 1. С. 106–110.
18. Максимов С.В: Коррупционная преступность в России: правовая оценка, источники развития, меры борьбы II Проблемы, борьбы с коррупцией. М., 1999г. С. 147.
19. Комиссаров В.С. Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией // Вестник Московского университета. Серия 11. Право. – 1993. – № 1. – С. 28.
20. Кабанов П.А. Коррупция и взяточничество в России: исторические, криминологические и уголовно-правовые аспекты. – Нижнекамск, 1995. – С. 7.
21. Борзенков Г.Н. Уголовно-правовые меры борьбы с коррупцией // Вестник МГУ. – Серия «Право». – 1993. – № 1. – С. 30.
22. Криминология: Учебник для юридических вузов / Под общей ред. А.И. Долговой. – М., 1997. – С. 501.
23. Волженкин Б.В. Коррупция и уголовный закон. //Правоведение, 1991. – №6. – С.64.; Корыстные злоупотребления по службе (хищения, взяточничество, злоупотребление служебным положением, уголовно-правовая характеристика и проблемы квалификации. Автореф.дисс.док.юр.наук. – М. 1991. – С.41.
24. Waldemar Walczak. Corruption-Involving Criminal Acts and Legal Corruption – Economic and Legal Aspects // Internal Security Review. 2019. Vol. 21, No. 19. С. 334–356. [Электронный ресурс]. URL: <https://ssrn.com/abstract=3727037> (дата обращения: [укажите дату обращения]).
25. Астанин В.В. Коррупция и борьба с ней в России второй половины XVI–XX вв. : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2001. 209 с.
26. Рарог Д.И. Альтернативный взгляд на коррупцию // Легализация доходов и коррупция в органах государственной власти: теория, практика, техника



противодействия : сб . ст . / под ред . В . М . Баранова, Л . Л . Фитуни . Н . Новгород, 2010 . 815 с

27. Бухарина Н.П. Понятие и признаки коррупции в международных правовых актах // Право. Журнал Высшей школы экономики. 2016. № 1. С. 166–176.

28. Бурлаков В.Н. Понятие коррупционного соучастия и ответственность за него // Всероссийский криминологический журнал. 2020. Т. 14, № 1. С. 49–58. DOI: 10.17150/2500-4255.2020.14(1).49-58.

29. Барабаш О.В., Филиппов К.Б. «Коррупция» как ключевое понятие антикоррупционного законодательства Российской Федерации: лингво-правовой анализ дефиниции // Политическая лингвистика. 2014. № 4 (50). С. 14–20.

30. Латов Ю.В., Наумов Ю.Г. Целевой индикатор и показатели российской антикоррупционной стратегии // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – 2012. – № 2. – С. 64 – 71.

31. Рубанцова Т.А. К вопросу определения коррупционного преступления // Крымский научный вестник. – 2017. – № 1(13). – С. 90–98.

32. Агапова, Г.Г. Понятие коррупции в российском законодательстве, ее сущность и признаки / Г. Г. Агапова // Молодой ученый. — 2019. — № 2 (240). — С. 89–92. — URL: <https://moluch.ru/archive/240/55454/> (дата обращения: 10.01.2025).

33. Коломин, Г.А. Понятие и признаки коррупции, ответственность за коррупционные правонарушения и преступления / Г. А. Коломин // [Электронный ресурс]. — URL:

<https://kukanskoe.ru/govinfo/govinfo prosecutors/media/2020/12/3/ponyatie-i-priznaki-korrupsii-otvetstvennost-za-korrupsionnyie-pravonarusheniya-i-prestupleniya/> (дата обращения: 10.02.2025).

34. Любкина Н.А. О некоторых подходах к определению коррупции // Вестник государственного и муниципального управления. 2011. № 2. С. 32–38.

35. Хабриева Т. Я. Коррупция и право: доктринальные подходы к постановке проблемы // Журнал российского права. – 2012. – № 6. – С. 5 — 17.

36. Тожибоев Қ. Мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.13.

37. Криминология. Учебник. Отв.редактор: М.Х.Рустамбаев. – Ташкент: ТГЮИ, 2008. – С. 219, 221-222.

38. Любкина Н. А. О некоторых подходах к определению коррупции // Вестник государственного и муниципального управления. 2011. № 2. С. 32–38.

39. Кузнецов А.В. Некоторые вопросы квалификации преступлений коррупционной направленности с учетом разъяснений Пленума Верховного Суда РФ // Вестник Казанского юридического института МВД России. 2013. № 3(13). С. 74–82.

40. Нурмухаммедова Г. Коррупция жиноятлари таснифида жиноят объектининг роли ва ҳуқуқий баҳолаш мезонлари // Инновационные исследования в современном мире: теория и практика. – 2025. – Т. 4. – №. 21. – С. 67-75.



41. Амонов Ф. С., Нурмухаммедова Г. Б. Коррупция билан боғлиқ жиноятлар содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар ва уларнинг олдини олиш масалалари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 419-428.